

---

## ОЛТИАРИҚДА ЯНА БИР ТИББИЙ МАСКАН ОЧИЛДИ

1-сентябрь - Ватанимиз Мустақиллигининг ўттиз бир йиллик тўйи. Олтиариқ тумани Чордара маҳалласида байрам шукуҳи авжида. Сабаби, туман ҳокимлиги ҳамда МФЙ фаоллари томонидан маҳаллада янги барпо этилган тиббий пунктнинг ҳам очилиш маросими ўтмоқда.

Қишлоқ аҳолиси, оқсақоллари, хотин-қизлар ва ёшлар жам бўлишиб, қўшалоқ хурсандчилиқни нишонламоқда.

Туман ҳокими Ш. Турдалиев Мустақиллик байрами билан табриклаб, янги тиббиёт масканининг очиб бериш учун нурунийларни таклиф қилди. Ушбу саломатлик пунктини ташкил этишда фаоллик кўрсатган ташаббускорларга туман ҳокимининг совғалари топширилди.

Маҳалла аҳли, айниқса, кексалар ва оналар кўпдан бери орзу бўлиб келган тиббий хизмат кўрсатиш пунктининг иш бошлаши ҳақиқий совға бўлганини таъкидлашди. Нурунийлар эса инсон қадрини учун қилинаётган ишлар, унга бош-қош бўлаётган юртбошимизга, вилоят ва туман ҳокимликларига миннатдорчилик билдириб, дуо қилдилар.

Тиббиёт пунктида жарраҳлик амалиётидан бўлак барча муолажалар амалга оширилади. Беш нафар малакали тиббиёт ходимлари ҳудуддаги 2000 нафардан ортиқ аҳоли саломатлиги учун хизмат кўрсатадилар.

2022-09-03 09:07:18